

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

995 - сон

2016 йил «4» апрел

«ТАСДИҚЛАНГАН»


АТ «Алоқабанк» Бошқарувининг

2016 йил «4» апрелдаги

94 - сонли қарори



Бошқарув Раиси


М. Абдурахманов

БАНК ХОДИМИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

Тошкент – 2016

I. Умумий қоидалар

1. АТ «Алоқабанк» ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (қуйида матнда **“Қоидалар”** деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 02 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалар”и асосида ишлаб чиқилган бўлиб, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар банк ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, банк ходимларининг юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Банкка ишга қабул қилинган ходимлар Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. АТ «Алоқабанк» (келгусида матнда “Банк” деб юритилади) ходимлари фаолиятини одоб-ахлоқ меъёрлари асосида ўз-ўзини бошқариш ҳужжати ҳисобланади ва банк ходимлари ўз фаолиятида банк обрўси, самарадорлиги ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун амал қиладиган асосий йўналишлар ва қоидаларни белгилаб беради.

5. Корпоратив маданият – банк ходимининг ички ва ташқи одоб-ахлоқини акс эттирувчи, моддий ва маънавий таркибий қисмларни ўз ичига олувчи мураккаб кўпқатламли ҳолат.

6. Қоидалар банк ходимларининг ўз фаолиятларида амал қилишлари шарт бўлган касб одоб-ахлоқ меъёрларини белгилайди.

7. Қоидаларнинг бажарилиши қабул қилинган касб одоб-ахлоқ қоидалари ва урф-одат меъёрларининг банк ходимлари томонидан риоя этилишига қўшимча кафолат, шунингдек юқори касбий малака ва ишонч гарови бўлиб хизмат қилади.

8. Қоидаларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар банк Касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда Банк Бошқаруви томонидан киритилади.

II. Банк ходими хулқ-атворининг асосий тамойиллари ва қоидалари

1. Умуммажбурий одоб-ахлоқ Қоидалари банкнинг барча ходимларига, улар эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, шу жумладан Бошқарув аъзолари, банкнинг Бош офиси, Амалиёт бошқармаси, филиаллари ходимлари ва раҳбарларига (келгусида матнда “Банк ходими” деб аталади) жорий этиладиган қоидаларини ўзида жамлайди.

2. Банк ходимлари ўз фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириши лозим:

а) қонунийлик;

б) миждозлар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

в) ватанпарварлик ва ўз бурчига фидойилик;

г) давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

д) адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

е) манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Банк ходимлари қуйидагиларга мажбур:

- а) хизмат вазифаларини бажаришда давлат тамойиллари ва талабларига қатъий риоя этиш;
- б) ўз хизмат вазифаларини виждонан, юсак касбий даражада бажариш;
- в) юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қонун талабларига зид бўлмаган қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- г) ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган лавозим мажбуриятлари доирасида амалга ошириш;
- д) ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, мижозларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш, менсимаслик ҳолатларига йўл қўймаслик;
- е) ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўққинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣй ва бошқа манфаатларининг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;
- ж) норматив-ҳуқуқӣй ҳужжат ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;
- з) ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;
- и) Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;
- к) ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки банкнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик.
- л) хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек мижозлар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;
- м) банкда хабарлар ва хизмат ахборотларини, маълумотларни тақдим қилишининг белгиланган қоидаларига риоя этиш.
4. Сиёсий, иқтисодӣй жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар банк ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.
5. Амалдаги қонунчиликка асосан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.
6. Банк ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларни олдини олишга фаол кўмаклашиши шарт.
7. Банк ходимлари ўз раҳбари ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган муурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлар ҳақида хабардор қилиши шарт.

8. Банк раҳбарияти ходимнинг қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаати муносабати билан ёхуд билдирилган танқидий фикр учун, шунингдек бошқача шаклдаги танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

9. Банк ходимлари иш фаолияти давомида ўзларига ошкор бўлган маълумот, ахборотларнинг сир сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларни амалдаги қонун талабларига зид равишда ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардирлар.

10. Банк Бошқаруви аъзолари, таркибий тузилма раҳбарлари ва филиал бошлиқлари ўз касбининг малакали ва тажрибали устаси, софдил, адолатли, камтарин ҳамда бениқсон раҳбар сифатида ходимларга ўрнатқ бўлиши, иш жойларида соғлом маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, ўзига бўйсунувчи ходимлардан уларнинг лавозим мажбуриятлари доирасидан ташқари топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги лозим.

11. Банк раҳбарияти кадрларни қариндошлик, хамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаши, ишга жойлаштириш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак, у гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

12. Банк раҳбарияти манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва уларни тартибга солиш, коррупциянинг олдини олиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирларни кўриши лозим.

13. Банк раҳбарияти ва таркибий тузилма раҳбарлари ходимларини самарали бошқариш, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишликни ходимлардан талаб қилишлари шарт.

14. Банкнинг таркибий тузилмалари, Амалиёт бошқармаси ва филиал раҳбарлари ўзига бўйсунувчи, иш фаолиятидаги одоб-ахлоқ тамойиллари ва қоидаларини бузётган ходимларнинг ҳатти-ҳаракати (ҳаракатсизлигига) йўл қўймаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавобгардир.

15. Банкнинг кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлари ўзларининг одоб-ахлоқи билан жамоадаги бошқа ходимлар ўртасида ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этишлари лозим.

16. Банк ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, ҳамкасблари, фуқаролар ва мижозлар билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт.

17. Банк ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимларга, фуқароларга ва мижозларига нисбатан қўполлик қилмасликлари, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмасликлари, уларга асоссиз психологик ёки маънавий таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймасликлари шарт.

18. Банк ходимлари (айниқса мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган ходимлар) хизмат вазифаларини бажаришда иш шариоитлари ва хизмат вазифаларининг шаклига боғлиқ ҳолда ташқи кўриниши ва муомаласи фуқаролар ва мижозларнинг банкка нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги, тартиблилиги ва суҳбатдошнинг фикрини ҳурмат билан эшитган ҳолда ўз фикрини ташунтириши билан бошқалардан ажралиб туриши шарт.

19. Банк ходимлари ишдан ташқари вақтда ҳам умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари лозим.

III. Манфаатлар тўқнашуви

1. Банк ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувиغا сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.
2. Манфаатлар тўқнашуви банк ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.
3. Банк ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.
4. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда банк ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.
5. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.
6. Банк ходими ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқедан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.
7. Банк ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.
8. Барча ходимлар манфаатлар тўқнашувиغا йўл қўймаслик учун ўзларини тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.
9. Барча ходимлар лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида хабар бериши шарт.
10. Банк ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади.

IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

1. Банк ходими томонидан Қоида талабларининг бузилиши уни интизомий жазо чораларини қўллашга асос бўлади.
2. Банк ходимининг Қоидаларга риоя этилиши уларни аттестация ўтказишда, ходим лавозимини кўтариш ёки бошқа лавозимга ўтказиш, раҳбар лавозимларга заҳира шакллантиришда ҳисобга олинади.
3. Банк ходими томонидан Қоида талабларини бузилиши Одоб-ахлоқ комиссияси (келгусида матнда "Комиссия" деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.
4. Комиссия, махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, банк ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади.
5. Комиссиянинг мақсади, вазифалари, функцияси, ҳуқуқлари жавобгарлиги ва уни ташкил этишнинг бошқа мақсадлари банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган "Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида"ги Низомда белгиланади.

6. Одоб-ахлоқ Қоидаларининг бузилиши ҳолатларини махсус таркибий бўлинма ёки Комиссия томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқа тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда банк Бошқаруви Раисининг кўриб чиқишига Қоидалар бузилишини содир этган банк ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади.

7. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Комиссия банк ходимиغا нисбатан одоб-ахлоқ Қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

8. Банк ходими томонидан йўл қўйилган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги маълумотни олиш ва далилларни тақдим этиш, шунингдек Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори юзасидан банк Бошқаруви Раисига шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Келишилди:

Юридик бошқармаси
бошлиғи



А. Абдуқахаров

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси



Р. Сахапова

Ходимлар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи в.б.



М. Иномжонова

Методология бўлими
бошлиғи



Ф. Ҳимматов